Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 5 август, пайшанба • № 90 (24.485).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Баркамол авлод — миллатимиз келажаги

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақияти, ҳар томонлама баркамол ёш авлодни тарбиялаш кўп жиҳатдан таълим тизимини жаҳон андозалари ва замон талаблари даражасига кўтаришга боғлиқ. Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг асосий мақсади ҳам ана шунга қаратилган. Шу ўринда, чуқур билимга эга ёшларни, юртимизнинг келажагини таъминлайдиган мутахассисларни тайёрлашга хизмат қиладиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилиши, уларнинг замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланиши муҳим аҳамият касб этади.

Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ"да Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази томонидан ташкил этилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини жиҳозлаш учун режалаштирилган намунали ўқув хоналар, устахоналар, кўргазмали ўқув қуроллари ва тренажерлар кўргазмаси бу борадаги ишларни янада ривожлантиришга қаратилган.

4 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мазкур кўргазма билан танишди.

Кўргазмадан информатика, хорижий тиллар, физика, биология-анатомия, автомобиллар тузилиши, она тили ва адабиёт ўқув хоналари, тикувчилик, телерадиоаппаратуралар ва ускуналарни монтаж қилиш лабораториялари, лицей ва коллеж ўқувчилари учун кийимлар намуналари ўрин олган.

Информатика ўқув хонасини кўздан кечириш чоғида, давлатимиз раҳбари XXI аср — информатика асрида бу фанни кенг ўқитиш, ўқув юртларини компьютерлар билан жиҳозлаш катта аҳамият касб этишини таъкидлади. Бироқ, энг асосий муаммо бундай техникани ёшларга ўргатадиган ўқитувчиларнинг етишмаслиги, деди Президент. Компьютерларни олиб келиш, педагогларнинг малакасини ошириш билан бир қаторда, бу янги фанлар бўйича ўзбек тилидаги дарсликларни, ўқув қўлланмаларни нашр этиш керак. Пировард мақсад эса, фарзандларимизни замонавий техникани мукаммал эгаллаган етук мутахассислар қилиб тайёрлашдир.

Чет тиллари хонасида ўқувчилар билан суҳбат вақтида Ислом Каримов таржимонлик масъулиятли ва шарафли касб эканини айтиб, хорижий тилларни ўқитишни ўзбек тилидаги дарсликлар бўйича олиб бориш, таълим жараёнини ўзбек тили асосида ташкил этиш лозимлигини уқтирди. Бунинг учун эса, ўқувчининг фикрлаши ўзбек ва хорижий тилда бўлиши, эски даврдагидек ўртада бошқа тил воситачилик қилмаслиги зарур. Шу йўл билан она тилимизни халқаро майдонга тенг ҳуқуқли тарзда олиб чиқишимиз мумкин бўлади.

— Амир Темурни бутун дунё танийди, энди унинг халқи тилини ҳам жаҳон танисин, — деди Президент.

Йўлбошчимиз «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси корхоналарида лицей ва коллеж ўқувчилари учун ишлаб чиқарилган кийимларнинг намуналарини кўздан кечирди. Бу либослар йигит-қизларимизнинг кундалик ҳаёти, республикамиз иқлим шароити учун мос, миллий анъаналаримиз шаклига монанд, айни пайтда қулай ва содда бўлиши кераклигини қайд этди.

Она тили ва адабиёт хонаси билан танишув чоғида, Ислом Каримов замонавий ўқув қуроллари билан бирга, ёшларга мумтоз адабиётимизни, жумладан, Алишер Навоий ижодини содда ва аниқ тарзда тушунтириб берадиган китобларни кўпайтириш, бебаҳо меросниг ҳар бир дурдонасини ўқувчи онгига етказиш муҳимлигини таъкидлади.

Автомобиллар тузилишини ўргатиш хонасида эса давлатимиз раҳбари Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Че Ёнг Ха билан суҳбатлашиб, ўқув жараёнига кореялик мутахассисларни жалб этиш, синфларни кўргазмали қуроллар билан жиҳозлашда ҳамкорликни йўлга қўйиш ўзаро манфаатли эканлигини айтди.

Шунингдек, юртбошимиз кўргазмадан ўрин олган бошқа хоналарни ҳам кўриб, уларнинг тузилиши, жиҳозлари, ўқитишни ташкил этиш юзасидан ўз таклифларини билдирди.

— Мазкур кўргазмани ташкил қилишдан мақсад — фарзандларимиз камолоти учун амалга ошираётган ишларимизни баҳолаш, камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш, сўнгра бундай синфларни бутун мамлакатимизга жорий қилишдир, — деди кўргазма билан танишув ниҳоясида Президент Ислом Каримов. — Бунда энг асосий масала мана шундай ихтисослашган синфларда таълим бера оладиган мутахассислар тайёрлашдан иборат. Агар улар бўлмаса, бу ускуналар фақат экспонатлигича қолади, эзгу ниятларимизнинг обрўси йўқолади.

Халқимиз Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурнинг эртанги кунимиз, турмушимиз фаровонлиги, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, умуман, тараққиётимиз учун аҳамиятини тушунянпти. Шундай экан, биз учун режалардан амалий ишларга ўтиш даври келди.

Муҳташам билим масканлари қуриш мумкин, аммо ундаги синф хоналарини замон талаблари даражасида жиҳозлаш билан бирга, янги ўқув технологияларини жорий қилиш муҳимдир. Яна бир бор таъкидлайман, болаларимиз учун ҳар қанча куч ва маблағ сарфласак — оз, зеро улар келажагимизнинг бунёдкорларидир, деди давлатимиз раҳбари.

Кўргазма билан танишувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Т. Рисқиев, Президент девони Ахборот тарғибот-таҳлил маркази раҳбари С.Ҳакимов, Бош вазир ўринбосарлари А. Исаев, Ҳ. Каромов, М. Усмонов, Б.Ҳамидов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

Беҳзод УСМОН (ЎзА)

Суратда: академик лицей ва коллежлар бўйича кўргазма билан танишиш пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Байрам тантаналари — амфитеатрда

Бухороликлар мустақиллик байрами тантаналарини қадимий шаҳар марказида — янги амфитеатрда томоша қиладиган бўлдилар. Ибн Сино номли маданият саройи олдидаги майдон ана шундай сайлгоҳ учун қўл келди. 2500 томошабинга мўлжалланган очиқ театр қурилишида «Бухороирқурилиш», «Бухоросувқурилиш», «Амубухороканалқурилиш» трестларининг жамоалари жонбозлик кўрсатишмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ

Лйёмга муносиб туҳфа

«Ўзбектелефильм» студияси ижодкорлари мустақиллик байрамига муносиб туҳфа ҳозирлашди. «Менинг шотландиялик дўстим» деб номланган уч қисмли бадиий видеофильм асосан болалар ва ўсмирларга мўлжалланган. Фильмда болаларнинг табиатга бўлган меҳри, ҳайвонот оламига қизиқиши каби тиниқ туйғулар ҳаяжонли воқеалар орқали ёритилади. «Фарзандларимизга мўлжалланган фильмларнинг деярли йўқлиги ушбу асарни яратилишига туртки бўлди», дейди видеофильмнинг тақдимотида сўзга чиққан асар муаллифи Мирзааҳмад Олимов. Таниқли режессёр Мираббос Мирзааҳмедов воқеликни қизиқарли ва мароқли талқин қилишга ҳаракат қилган.

Ғайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ

Вазирлар Маҳкамасида учрашув

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган «Кейс Европа» компанияси президенти Леопольд Платтнер раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ташриф буюрди.

Меҳмонлар билан учрашувда мамлакатимиз Бош вазири Ў. Султонов Ўзбекистон билан «Кейс» корпорацияси ўртасидаги ҳамкорлик йилдан-йилга барқарор ривожланиб бораётгани қувонарли эканини таъкидлади. "Кейс» раҳбариятининг «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси билан алоқаларини янада кенгайтиришга қарор қилгани, ҳамкорликнинг бундан кейин ҳам юқори даражада давом этишига ишонч уйғотади.

— Биз Ўзбекистон билан ҳамкорлик қила бошлаганимиздан буён саноқли йиллар ўтган бўлса-да, катта ижобий натижаларга эришдик. Зотан, бунга ишончимиз комил эди, — деди «Кейс Европа» компанияси президенти Л. Платтнер музокаралар чоғида. — Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ичида қишлоқ хўжалиги соҳасига алоҳида эътибор бериши билан ажралиб туради.

Мулоқот чоғида ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар хусусида фикр алмашилди.

Музокаралар сўнггида «Кейс Европа» компаниясининг Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқариш соҳасига сармоя киритиши бўйича битим имзоланди. Ҳужжатни «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси раиси Р. Матчонов ҳамда «Кейс Европа» компанияси президенти Л. Платтнер имзолади.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Олимжонов иштирок этди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

Давлат ва халқ олдидаги ғоят катта хизматлари, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги улкан ишлари ҳамда республикамизда ғалла мустақиллигини таъминлашда фаол иштироки ва қаҳрамонона меҳнатлари учун қуйидагиларга "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилиб, Олий нишон — "Олтин Юлдуз" медали топширилсин:

Абдуллаев Дўстмурод — Пахтачи тумани Р.Махманов номли ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Самарқанд вилояти

Абдурахимов Абдували — Чортоқ тумани "Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги" ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Наманган вилояти

Аламатов Атахон — Марҳамат тумани У.Қорабоев номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Андижон вилояти

Рахмонов Ғайбулло — Касби тумани Ш.Рашидов номли ширкат хўжалиги ижарачиси, Қашқадарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 3 август.

Абдуллаев Дўстмурод

Абдурахимов Абдували

Аламатов Атахон

Рахмонов Ғайбулло

«Лёл орзуси» лотереяси

Самарқанд вилоят ҳокимлиги Аёллар йилига бағишланган «Аёл орзуси» пул-ютуқ лотерея чипталарини чиқаришга қарор қилди. Жорий йилнинг 7-8 декабрь кунлари ўтадиган тиражда 20.000.000 сўмлик ютуқлар ўйналади. Ютуққа 2 та «Тико», 1 та «Дамас» автомашиналари, дам олиш санаторийларига йўлланмалар, уй-рўзғор анжомлари ва бошқа ютуқлар қўйилган.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

Янги саломатлик маркази

— Қашқадарё вилоятида болаларнинг ногирон туғилиши кўпаяётганлиги кузатилмоқда, — дейди вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси Коммуна Исмоилова. — Шу маънода, Қарши шаҳрида «Она ва бола саломатлик маркази» ташкил этилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Аёллар соғлигига эътибор қаратиш, ҳомиланинг ривожи ҳамда нуқсонли ҳомилани аниқлаш ва унинг олдини олиш имкониятларига эга бўлган ушбу янги марказ Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг тўрт миллионга яқин аҳолисига хизмат қилади.

«Туркистон — пресс»

Оналар кўзидаги ёш қотмаса керак

«Февраль воқеалари» фильмидан сўнг

«Февраль воқеалари» фильмини кўрган одамнинг хаёллари чувалашиб кетади. Ўнлаб саволлар миянгизда айланади.

Келинлик либоси ўрнига кафан кийган қиз...

Она дуосини олишга ошиқадиган йигит...

Яна, қанча... қанча...

Ўн олтинчи февраль — ўн олти тобут...

Панжара ортидаги йигитлар... Тоғни талқон қиладиган кучларини нимага сарфлашди?

Бир хонадонга муносиб куёв бўлгудек қоматли йигитни очиқ мозор кутмоқда.

Ачинасан... Нафратланасан...

Оналарнинг кўзидаги ёш қотмаган... Қотмаса ҳам керак.

Гўдаклар отасини ҳеч қачон қайта кўрмаслигини ҳали англаб етишмаган...

Кўк кийган аёллар...

Тенгқурлари ўртасида бўйнини эгиб кетаётган болакайнинг бошини ўн қўл, юз қўл, минг, борингки миллионта қўл кўтара олармикин?

Агар дадаси тирик бўлганида қўлини узатмай туриб, имо қилганидаёқ бола қаддини ростлаб оларди. Бўйи чўзилиб кетарди болакайнинг...

Энди у умрбод бўйнини эгиб юради.

Менимча, биз, ўрта йўлдан юришни билмаймиз. Ё ҳаммамиз тоғ бағридаги йўлнинг ўнг томонига ўтиб олиб тошларга қоқилиб, текис юриш ўрнига тепага тирмашиб, қўл-оёқ, юз-кўзимиз тирналиб юрамиз. Ёки чап томондан юришимиз керак, деб подага ўхшаб жарга қулаймиз.

Ахир ўртадаги минг йиллик йўл, боболаримиз қурган йўл ўрнида турибди-ку.

Бундан ўн йил аввал «худо йўқ» деб жар солган отасиз, йўғе атеист бугун соқолини тиззасигача тушириб олиб «бу гуноҳ, бу савоб» деб ўшқиради.

Худони таниган одам ҳеч қачон бировга озор бермайди-ку.

Инсон ҳақни англаган сари ҳалимлашмайди-ми?

Ахир милтиқ ва ислом дини бир-бирига зид-ку. Муҳаммад алайҳиссалом ҳақида юзлаб ривоят ва ҳадислар тинглаган бўлсак, у киши ҳамиша юксак одоб, карам, ҳалимликни касб қилганликларининг гувоҳи эдик.

Бировнинг гўрига биров кирмайди-ку. Ёки Оллоҳ бирор одамга жаннат ва дўзахга тушадиганларнинг рўйхатини сен тузасан деб ваколат берганмикин?

Панжара ортидаги кўп йигитлар асл мусулмонга ўхшамайди-ку.

Дунё тарихидан аёнки, қон устига ўрнатилган тахт йиқилади. Қон бу тахтни чиритади. Қонга беланган қўл узилади. Қон кечган оёқ шол бўлади. Қон ичган одам ўз болалари қонини ҳам, ўзининг қонини ҳам ичади.

«Февраль воқеалари» фильмини кўргач, ана шундай узуқ-юлуқ фикрлар хаёлимга келди.

Тузукроқ ёзолмаганим учун узр.

Фожиа ҳақида чиройли ёзиб бўлмас экан.

Тўра МИРЗО

Самовий китоб-саробий китоб

Луқма

«Ҳуррият» газетасининг кечаги сонида босилган «Самовий» китоб?» мақоласини ўқиб аслида кўп ажабланмадим. Чунки Исмоил Эргашевга ўхшаш «авлиё»лар ҳаётда учраб туради. Ваҳоланки, бу кишининг карамоатларини на илмий, на исломий нуқтаи назардан асослаб бўлади. Улуғ ислом алломаларидан бўлмиш Хасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳнинг шогирдларидан бири гўё ўзига ваҳий «келаётгани»ни баён қилиб, ҳар тунда самога парвоз қилиб Худо билан роз айтишаётганини сўзлаб беради. Шунда Устоз фаросат кўзи билан кўриб, шогирд жинлар таъсирига тушиб қолганини билиб, унга шундай дейди: «Янаги сафар Аллоҳ билан роз айтишганингда бир Ҳасан деган бандангни ҳам ёдга олиб қўй» деб айтгин дебдилар.

Назаримда, «Ҳуррият» мухбири арзимас бундай ҳодиса устидан кулиб қўя қолиши ҳам мумкин эди. Зеро, Ҳасан Басрийнинг шогирди навбатдаги «роз айтиш» чоғида Устознинг номини тилга олганида, чўчиб ҳушига келади, қарасаки, бир гўнгтепада қўлида суяксаёқ ушлаб ўтирибди.

Жиддий айтадиган бўлсак, ҳам дунёвий, ҳам уҳровий билимларга асосланмай, кўрган туши ва хаёлларига берилиб, «кашфиёту башорат»лар қилишга одатланган айрим кимсаларга биз матбуотчилар ҳушёр бўлмоғимиз керак. Шу маънода, мақола муаллифи, чамаси, енгил шов-шувга чалғиб, ҳодисага нисбатан ўзининг қатъий муносабатига эга бўла олмаган. Башарти мухбир ул «зот»нинг исломий билимлари, пири устозлари бор-йўқлигини суриштирганида ҳам олам гулистон эди.

Бу ўринда, ушбу мухтасар мулоҳазамиз билан чеклансак-да, умуман шунга ўхшаш муаммоларга тегишли алломa ва мутахассисларимиз нуфузли маслаҳатларини бериб, масалага янада равшанлик киритсалар чакки бўлмайди, деб ўйлайман.

Икромиддин ОСТОНАҚУЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Республикамизда ғалла етиштиришда алоҳида ўрнак кўрсатган ишчи ва хизматчилардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, ғалла мустақиллигини таъминлаш ва республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасида кўп йиллик ҳалол хизматлари ҳамда жамоат ишларида фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат Шуҳрати» ордени билан

Адизов Шерали Негбоевич — Навоий тумани "Ҳазора" жамоа хўжалигининг бригада пудратчиси, Навоий вилояти

Азимов Авазхон — Оҳангарон тумани "Авазхон" фермер хўжалиги раиси, Тошкент вилояти

Акбаров Хайдарали — Олтиариқ тумани "Янгиобод" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Фарғона вилояти

Алимов Хайит — Бахмал тумани "Деҳқонобод" ижара хўжалиги ижарачиси, Жиззах вилояти

Ахмедов Муҳаммад Исматович — Бухоро тумани "Маданият" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Бухоро вилояти

Бердибеков Тинчлик — Зафаробод тумани "Ғанижон" фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Бозоров Абдимурат — Қамаши тумани "Чим" жамоа хўжалиги ғаллачилик оилавий пудрат бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Жуманов Кўчқор — Боёвут тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Сирдарё вилояти

Имамов Махамматсодиқ Шамшиддинович— Уйчи тумани "Уйчи" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Наманган вилояти

Исмаилов Пўлат Душамович — Шовот тумани "Хоразм" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Хоразм вилояти

Машахопов Абдумажид Гайнбергенович — Юқори Чирчиқ тумани "Туркистон" деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси бошқаруви раиси, Тошкент вилояти

Муродова Муқаддас — Денов тумани С.Раҳимов номли жамоа хўжалиги ғаллачилик бўйича пудратчиси, Сурхондарё вилояти

Рахимов Олимбой Маматович — Қорақўл тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Бухоро вилояти

Рахмонов Ўринбой — Андижон вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси деҳқончилик бўлими бошлиғи

Саидов Парда — Пастдарғом тумани "Шарқ юлдузи" ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Самарқанд вилояти

Тожимирзаев Отахон — Наманган тумани "Соҳибкор" корпорацияси пудратчиси, Наманган вилояти

Тўйчиев Худойберди — Қуйи Чирчиқ тумани "Ўзбекистон 5 йиллиги" тажриба хўжалиги бўлим бошлиғи, Тошкент вилояти

Тураев Мусо Муқаддасович — Тайлоқ тумани "Улуғбек" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Самарқанд вилояти

Убайдуллаев Хамидулла — Охунбобоев тумани М.Умаров номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Фарғона вилояти

Усмонов Хўжаахмад Рахмонович — Иштихон тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Самарқанд вилояти

Хамраев Мамажон — Олтинкўл тумани "Намуна" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Андижон вилояти

Хомидов Абдулахад — Қува тумани "Ҳақиқат" жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Фарғона вилояти

Шукурова Дилором Ахматовна — Китоб тумани Ж.Турдиев номли жамоа хўжалиги оилавий пудрат бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Юлдашев Авазбек — Балиқчи тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Андижон вилояти

Юсупов Норим — Амударё тумани "Хоразм" ширкат хўжалиги пудратчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Қурбонов Шодмон — Чироқчи тумани "Чиял" жамоа хўжалиги ғаллачилик ширкати бошлиғи, Қашқадарё вилояти

«Дўстлик» ордени билан

Алимов Мадрим — Хонқа тумани "Хоразм" ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Хоразм вилояти

Деҳқонов Азимжон — Избоскан тумани А.Тиллабоев номли очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳосилоти, Андижон вилояти

Лапасов Умархон — Булунғур тумани "Килдон" ширкатлар уюшмаси бригада бошлиғи, Самарқанд вилояти

Маллаев Жўра Жалилович — Қамаши тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Қашқадарё вилояти

Масков Масагут Ғарафутдинович — Тошлоқ тумани Ҳ.Марозиқов номли жамоа хўжалиги комбайнчиси, Фарғона вилояти

Рахмонов Махмут — Конимех тумани Ҳ.Олимжон номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Навоий вилояти

Сейтмуратов Оспан — Нукус тумани "Кердер" жамоа хўжалиги агроучастка бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Тажиев Сирлибой — Мирзачўл тумани Абай номли ширкатлар бирлашмаси звено бошлиғи, Жиззах вилояти

Хўжаев Расул Раҳимович — Шофиркон тумани Бобур номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Бухоро вилояти

Убайдуллаев Махмуд Ахмадалиевич — Чуст тумани "Зарафшон" ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Наманган вилояти

Убайдуллаева Айпашша Назировна — Ўрта Чирчиқ тумани "Роватак" деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасининг бригада бошлиғи, Тошкент вилояти

«Шуҳрат» медали билан

Абдиев Мажид — Яккабоғ тумани Ж.Миҳилиев номли жамоа хўжалиги ижарачиси, Қашқадарё вилояти

Абдурахмонов Намозбой — Жомбой тумани Х.Низаматов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Самарқанд вилояти

Абдуллаев Шавкат — Учқўрғон тумани "Жалолобод" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Наманган вилояти

Абдуалимов Асад — Ғаллаорол тумани Т.Худоёров номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Жиззах вилояти

Абдуқаюмова Бувзиёт — Зарбдор тумани "Шарқ юлдузи" ижара-ширкатлар бирлашмаси бригада бошлиғи, Жиззах вилояти

Абдуллаев Исроил Махдумович — Чироқчи тумани "Чорвадор" жамоа хўжалиги ширкат бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Абдирахимов Эшбой Рўзиқулович — Ғузор тумани А.Турсунов номли жамоа хўжалиги пудратчиси, Қашқадарё вилояти

Авулгозиева Рисолатой — Боғдод тумани Ҳазиний номли жамоа хўжалиги жамоа пудрати бошлиғи, Фарғона вилояти

Аргиева Сафия Турсунқуловна — Бекобод тумани Ойбек номли жамоа хўжалиги пудратчиси, Тошкент вилояти

Аслонов Рўзимурод Тўхтамуродович — Олот тумани "Шарқ юлдузи" жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи, Бухоро вилояти

Атаханов Нажмиддин Нуриддинович — Пахтаобод тумани "Маданият" агрофирмаси ижарачиси, Андижон вилояти

Атоева Ўғилой — Когон тумани "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги пудратчиси, Бухоро вилояти

Ахметов Абдихайим Есенбекович — Бўстонлиқ тумани "Енбек" жамоа хўжалиги механизатори, Тошкент вилояти

Бердиев Чори Нурович — Баҳористон тумани С.Муродов номли жамоа хўжалиги оилавий пудрат бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Бобобеков Мусақул Абдусатторович — Бўка тумани "Ачамайли" жамоа хўжалиги механизатори, Тошкент вилояти

Бобомурадов Бектемир Тошмурадович — Қарши тумани А.Икромов номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Боиров Бахтиёр Жадалович — Дўстлик тумани Х.Исроилов номли фермер хўжалигининг "Илғор" ширкати раиси, Жиззах вилояти

Бойқобилов Элмурод Даминович — Шаҳрисабз тумани Амир Темур номли ширкат хўжалиги механизатори, Қашқадарё вилояти

Дониёров Ахмад Рахматович — Муборак тумани "Гулистон" жамоа хўжалиги ғаллачилик бўйича пудратчиси, Қашқадарё вилояти

Дошанов Махсетбой Бобоназарович — Чимбой тумани «Камисарик» жамоа хўжалиги бўлим бошқарувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жаббаров Махамаджон Саттарович — Кўрғонтепа тумани А.Навоий номли жамоа хўжалиги ижарачиси, Андижон вилояти

Жабборов Ғолиб Қаҳхорович — Жондор тумани "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги ҳосилоти, Бухоро вилояти

Жўраев Собир Исломович — Нарпай тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Самарқанд вилояти

Исломов Абдулло Хасанович — Навбаҳор тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Навоий вилояти

Исмоилов Жумабой Бахриддинович — Жалолқудуқ тумани "Бештол" ширкат хўжалиги пудратчиси, Андижон вилояти

Исмоилов Юлчибой Тўйчибоевич — Янгийўл тумани Н.Ниёзов номли жамоа хўжалиги бош ҳосилоти, Тошкент вилояти

Исоқулов Абдурауф Мирзамиддинович — Гулистон тумани "Мирзамиддин ота" фермер хўжалиги раҳбари, Сирдарё вилояти

Исроилов Толипжон Тешабоевич — Учқўприк тумани Ш.Отажонов номли жамоа хўжалиги ижара звеноси бошлиғи, Фарғона вилояти

Йўлдошев Равшанбек Жўраевич — Зангиота тумани "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Тошкент вилояти

Каримов Абдукарим — Сирдарё тумани "Синдоробод" жамоа хўжалиги "Кўқон" фермер хўжалиги раиси, Сирдарё вилояти

Кубегенов Уроқбой — Хўжайли тумани "Тошкент" деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасининг фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Майилов Абдулхамид — Булоқбоши тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти мутахассиси, Андижон вилояти

Марахимов Эргаш Маъдихонович — Янгиқўрғон тумани Т.Неъматов номли жамоа хўжалиги бош ҳосилоти, Наманган вилояти

Машрабова Мархабатхон — Улуғнор тумани "Шаҳрихон" ширкатлар уюшмаси ижарачиси, Андижон вилояти

Муминов Абдумалик Мамадалиевич — Норин тумани "Тошкент" ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Наманган вилояти

Мустанова Иззат — Нишон тумани У.Юсупов номли жамоа хўжалиги ижарачиси, Қашқадарё вилояти

Мухиддинов Мухиддин Мамажонович — Сўх тумани "Мухиддин" фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Назарқосимов Абдусаид Абриқулович — Сайхунобод тумани "Шўрўзак" ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Сирдарё вилояти

Нарметов Эркин Атаевич — Хива тумани Огоҳий номли жамоа хўжалиги бош муҳандиси, Хоразм вилояти

Насриддинов Рахимжон — Поп тумани "Дўстлик" ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Наманган вилояти

Охунов Одилжон Абдуллаевич — Бўз тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Андижон вилояти

Парманов Абдуҳамид — Жиззах тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти механизатори, Жиззах вилояти

Рамазонов Шариф — Қоровулбозор тумани "Шерзод" фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

Рашитов Мамадилло — Касби тумани С.Насафий номли ширкат хўжалиги раиси, Қашқадарё вилояти

Рахимов Салом Хамроевич — Вобкент тумани "Зарафшон" ширкат хўжалиги бош ҳосилоти, Бухоро вилояти

Ризаева Муҳаббат — Пскент тумани А.Дусбеков номли ташқи бошқарув хўжалиги бригада бошлиғи, Тошкент вилояти

Рустамов Махмуджон Юлдашевич — Бувайда тумани А.Темур номли ширкат хўжалиги звено бошлиғи, Фарғона вилояти

Саидов Бахром Қурбонбоевич — Чиноз тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Тошкент вилояти

Сапарбоев Мақсуд Хайтбоевич — Янгибозор тумани "Бўзқалъа" ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Хоразм вилояти

Сапарбоев Ражаб — Гурлан тумани "Янгиобод" жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Хоразм вилояти

Саттаров Убайдулла Қосимович — Қарши тумани С.Раҳимов номли ширкат хўжалиги комбайнчиси, Қашқадарё вилояти

Смайлов Тулеген Раймқулович — Фориш тумани "Қизилқум" ширкатлар уюшмасининг комбайнчиси, Жиззах вилояти

Солихов Махмадали — У.Юсупов тумани "Миришкор" ширкат хўжалигининг ижарачиси, Қашқадарё вилояти

Тожибоев Исмоил Туланович — Хўжаобод тумани "Ипакчилик" ижара хўжалиги дончилик бригадаси бошлиғи, Андижон вилояти

Тоғаев Меликул Боймуродович — Самарқанд тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Самарқанд вилояти

Туранов Эркин Турсунович — Арнасой тумани "Турон" фермер хўжалиги раиси, Жиззах вилояти

Турсунов Муродқул Мирзаевич — Сариосиё тумани "Токчиён" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Сурхондарё вилояти

Тухташев Абдурахмон — Жарқўрғон тумани "Халқобод" жамоа хўжалиги ғаллачилик звеноси бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Уринов Шавкат Иноятович — Оқдарё тумани "Оқдарё" ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Самарқанд вилояти

Усманов Абдушукур Рахмонович — Бешариқ тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Фарғона вилояти

Файзиев Толиб — Ромитан тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Бухоро вилояти

Фахрутдинов Нураддин Хикматуллаевич — Элликқалъа тумани F.Одилов номли фермер хўжаликлари уюшмаси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Ҳолбеков Ашурали Бўрибекович — Фарғона тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Фарғона вилояти

Холбоев Абдумалик — Ш.Рашидов тумани "Фарғона" фермер хўжалиги бригада бошлиғи, Сирдарё вилояти

Холматов Нормат Обиджонович — Данғара тумани "Найманча" ширкатлар уюшмаси бригада бошлиғи, Фарғона вилояти

Хушатов Абдураим Ибрагимович — Хатирчи тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Навоий вилояти

Ҳўжаёров Нурали Элмуродович — Нуробод тумани "Каттақўрғон" ижара хўжалиги бригада бошлиғи, Самарқанд вилояти

Шермирзаев Зокиржон — Мингбулоқ тумани А.Навоий номли қишлоқ хўжалиги корхонасининг пудратчиси, Наманган вилояти

Шодиев Ғофир — Ғузалкент тумани "Ғузалкент" жамоа хўжалиги ғаллачилик звеноси бошлиғи, Самарқанд вилояти

Ширинов Хамид Ражабович — Қўшработ тумани "Қўшработ" ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Самарқанд вилояти

Эргашев Урал — Ангор тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Сурхондарё вилояти

Эргашев Абдуқаҳхор Амонович — Паркент тумани "Заркент" жамоа хўжалиги механизатори, Тошкент вилояти

Эргашев Рашид Йўлдошевич — Пешку тумани Й.Эргашев номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Бухоро вилояти

Эшмаматов Эркин — Челак тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Самарқанд вилояти

Эшматов Анорбой Аббосович — Пахтакор тумани "Анвар-А" фермер хўжалиги раиси, Жиззах вилояти

Эшмуродов Абдуҳаким — Каттақўрғон тумани "Буюк Турон" жамоа хўжалиги комбайнчиси, Самарқанд вилояти

Юлдошев Рамазон Жумаевич — Кизирик тумани "Кунчиқиш" деҳқон хўжалиги бригада бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Кўзиев Юнус — Зомин тумани "Бешкўби" ижара хўжалигининг раиси, Жиззах вилояти

Қултоев Ғулом — Ховос тумани "Фарҳод" ширкатлар хўжалигининг оилавий пудрат бошлиғи, Сирдарё вилояти

Қурбонов Бердиқул Усмонович — Ургут тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Самарқанд вилояти

Қурбонов Илхомбой — Ҳазорасп тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти комбайнчиси, Хоразм вилояти

Ғоипова Суна — Урганч тумани "Оқолтин" ширкат хўжалиги пудратчиси, Хоразм вилояти

Ва қуйидагиларга Фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими»

Жуманазаров Рисназар — Нукус тумани "Шортанбай" жамоа хўжалиги агроучастка бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Зайниев Фозил — Қизилтепа тумани Қ.Қобилов номли жамоа хўжалиги оилавий пудрат бошлиғи, Навоий вилояти

Мамаюсупов Бадридин — Қувасой шаҳри А.Раҳмоналиев номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Фарғона вилояти

Рашидов Мажид — Ғиждувон тумани С.Жабборов номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Бухоро вилояти

Сотиболдиева Тўхтагул — Боғот тумани "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги пудратчиси, Хоразм вилояти

Тошбоев Абдумутал Қаюмович — Тўрақўрғон тумани "Намуна" ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Наманган вилояти

Хаитбоев Абдумухит — Андижон ғалла ва дуккакли дон экинлари етиштириш институти Ғаллаорол филиалининг лабораторияси мудири, Жиззах вилояти

Хакимжонов Рахимжон — Оққўрғон тумани Охунбобоев номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасининг раиси, Тошкент вилояти

Худойбердиев Турсун — Асака тумани "Шарқ ҳақиқати" жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Андижон вилояти

Шодмонов Рахматулла Абдураимович — Косон тумани "Тулга" фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Яхяев Ширинбой — Пайариқ тумани "Пахтакор" жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Самарқанд вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 3 август.

Эл ғайрати – юрт иқболи

Бир гуруҳ Олий Мажлис депутатларининг Сирдарё вилояти меҳнат жамоалари ва зиёлилари билан учрашувларидан

Юртимиз ўзининг мўътабар байрами — Мустақиллик кунига яқинлашиб бормоқда. Истиқлол байрами шукуҳи барчамизнинг қалбларимизда фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотмоқда.

Бир гуруҳ Олий Мажлис депутатларининг Сирдарё вилояти турли меҳнат жамоалари, зиёлилари, бизнес олами жонкуярлари ва бошқалар билан бўлган учрашувлардаги ўзаро норасмий, жонли мулоқотлар, диллашув ва фикр алмашувлар ҳақида ўйлар экансиз, беихтиёр ана шу каби ёрқин фикрлар, қайноқ ва жўшқин туйғулар қалбингизни ром этади.

«Лола» даврга мослашмоқда

Олий Мажлис депутатлари — Фан, таълим ва спорт қўмитаси раиси ўринбосари Пиримқул Қодиров, Миллий тикланиш партияси раиси Иброҳим Ғафуров, «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири Азим Суюн вилоят ҳаёти билан танишув ҳамда учрашувларни Гулистон шаҳридаги «Лола» тикувчилик ҳиссадорлик жамиятидан бошладилар. Бу корхонанинг номи вилоятда кўпчиликка яхши маълум. Унинг ташкил топганига ҳам деярли ўттиз йилдан ошмоқда. Вилоят енгил саноатини тиклаш, унинг шуҳратини ошириш йўлида корхона жамоасининг қўшган ҳиссаси беқиёс, албатта. Лекин, давр ўзгармоқда, иқтисодий ислоҳотлар кенгайиб, томир отиб бормоқда. Хўш, вилоятимиз тикувчи қизларининг севимли маскани бўлмиш «Лола»нинг бугунги аҳволи қандай? Депутатларимизнинг бу саволларига жавобан жамият раиси Шокир Абдуллаев, бош муҳандис Шафиқа Барасановаларнинг маълум қилишларича, умуман олганда ёмон эмас. Чунки ҳар қанча қийин бўлмасин, илгари қарийб мингта яқин одам ишлаб келган йирик корхона аста-секин даврга мослашиб олди. Оқибатда илгаридек тузилган режалар асосида омборга маҳсулот чиқариш учун эмас, ўз харидорлари ва мижозларининг буюртмалари асосида маҳсулот чиқармоқдалар. Ҳозирги кунларда жамиятда 300 га яқин чевар қизлар ўз корхоналарининг шуҳратини сақлаб қолиш йўлида астойдил ишламоқдалар. Тикиш ҳамда тажриба-синов цехларида бўлиб ўтган учрашувлар ҳамда мулоқот пайтида фойдали фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Эндиликда «Лола» ва унга ўхшаш корхоналар нафақат ўз вилояти, балки четда маҳсулот чиқара олиш муаммосини ҳал этишлари керак. Бу эса ҳам маҳорат, ҳам миллийликни талаб этади. Тикувчилар, мутахассисларнинг айтишларича, бунга етарли асос бор. Чунки ускуналарнинг, яъни тикув агрегатларининг 40 фоизи чет эллардаги энг ривожланган фирмалардан олинган ва уларни чевар қизларимиз маҳорат билан ишлатиб келмоқдалар. Буюртмалар ҳам аста-секин кўпаймоқда. Энг муҳими ана шу йўлдаги ишларни кучайтирмоқ лозим. Бош муҳандис Шафиқа Барасанованинг таъкидлашича, Жумагул Жариқбоева, Муниса Шамсиддинова, Роза Ахмедшина, Собира Мирзақулова, Саида Ҳазратқулова сингари чевар опасингилларимиз томонидан тикилаётган маҳсулотларга талаб катта. Маҳсулотни четга чиқаришдек шарафли ишни шу каби ўз ишининг усталари шараф билан адо этсалар ажаб эмас. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш билан бирга янги иш ўринлари яратиш лозимлигини депутатлар алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Сирдарё бизнеси — Интернет тармоғида

Олий Мажлис депутатлари вилоятда бўлган чоғларида катта бир янгиликнинг устидан чиқдилар. Атиги уч кун муқаддам бу ерда янги вилоят бизнес марказининг очилиш маросими бўлган эди. Бизнес маркази вилоятнинг улгуржи бозори ҳудудида жойлашган. Эътиборлиси шуки, мазкур бизнес маркази ҳозирги давр илм-фани ютуқларининг энг сўнгги намуналари асосида барпо этилган, бизнес маркази ўз алоқа тармоғини республикамизда биринчи бўлиб Интернет тармоғига улагани бунга ёрқин мисол бўла олади. Учрашув чоғида вилоят давлат мулки бошқармаси бошлиғи Ойбек Ашурматов қисқа, аммо эътиборли мисолларни келтириб ўтди. Жумладан, қўшни вилоятлар, Фарғона водийси бизнесменлари ва ишбиламонлари бу ердаги кимошди савдосида қатнашишлари ва жаҳон савдо-сотиқ дунёсидаги энг сўнгги маълумотларни шу ердан олишлари мумкин. Сирдарё вилоят бизнес марказида замонавий фан-техника ютуқлари воситасида дунёдаги Нью-Йорк, Париж, Лондон, Токио сингари шаҳарларда бўлаётган жараёнлар, маҳсулотларнинг турлари, нархларидан хабардор бўлиш, у ердаги биржа савдоларида қатнашиш имкониятлари барпо этилди. Ҳозирча вилоятнинг мазкур бизнес марказида ҳафтасига икки маротаба кимошди савдолари ўтказилмоқда. Ҳадемай у кундалик ишга айлантирилади. Мазкур иншоот қўриқ воҳа иқтисодиётини ривожлантириш, уни жаҳон йўлига олиб чиқишдек шарафли ишда эътиборли роль ўйнаса ажаб эмас.

Яна биринчи...

Гулистон шаҳрининг 4-мавзесида янги академик лицей қуриб битказилмоқда. У Гулистон— давлат университетининг шундоққина ёнгинасида жойлашган. Академик лицейда бир тарафдан сўнгги пардозлаш ва жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етказилаётган бўлса, айни пайтда дастлабки кириш имтиҳонларига ҳам қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Меҳмонларни янги муҳташам бино олдида унинг директори Саме Самадов қарши олди. Бино қурилишлари, бу ердаги шароитлар, бўлажак ўқувчиларга шу қадар меҳр ва эътибор билан яратилаётган шароитлар чиндан ҳам кишини лол қолдиради ва ҳаяжонга солади. Бу янги таълим маскани ҳам нафақат вилоятда, балки республикамиз вилоятлари орасида ҳам биринчи бўлиб ўз эшигини янги давр фарзандларига очаётир. Қисқа фурсатларда бу ерда чиндан ҳам катта ҳажмда қурилиш ишлари амалга оширилди. Оқибатда вилоятимизнинг 200 нафар ўқувчилари бу ерда таълим ола бошлайдилар. 250 ўринли ётоқхона ҳам бугун-эрта ишга туширилади. Хуллас, депутатлар кенг ва ёруғ хоналар, ўқув жиҳозлари, бошқа яратилаётган шароитларни кўришиб, чин дилдан қониқиш ҳосил қилдилар. Бу —дастлабки қалдирғоч. Белгиланган режалар асосида қурилишлар барча шаҳар ва туманларда қизғин давом этмоқда. Демакки, Сирдарё тажрибасини бошқаларга ўрнак қилса арзийди.

Шаҳар ичра — шаҳар

Ширин шаҳрида бир йўла иккита — энергетика ва саноат касб-ҳунар коллежлари қуриб битказилмоқда. Бу қурилишлардаги иш суръатларини ҳам Гулистондаги ишларга қиёслаш мумкин. Ширин шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Исроил Эрбеков Олий Мажлис депутатларига бу ердаги қурилиш ва ободончилик ишлари ҳақида батафсил сўзлаб берди. Ҳар икки коллежни янги ўқув йилига ҳозирлаш учун деярли 700 нафар қурувчи икки-уч сменада иш олиб бормоқда. Бинолар салобати, замонавийлиги, ўқиш ва касб ўрганиш учун қулай ва замонавийлиги билан кишини мафтун этади. Маълум бўлишича, қурувчиларга яхши шароитлар яратилган. Ўртача 15 минг сўмдан иш ҳақи олишмоқда. Қурувчилардан Ортиқ Бобоев, Сайфиддин Муҳиддинов ва бошқалар билан бўлган мулоқотлар ҳам мароқли бўлди. Янги қурилишлардан барча мамнун. Ёшлар ҳам, қурувчилар ҳам. Ёшларнинг хурсандлиги — бугун-эрта бир йўла иккита янги касб-ҳунар даргоҳи уларга қучоқ очади ва бир йўла улар 800 нафар ўз эгаларини бағрига олади. Улар учун ўқиш, касб ўрганиш, яхши ҳордиқ чиқариш учун барча шароитлар яратилаётир.

Касб-ҳунар коллежлар ҳудудининг кенглиги, турли биноларнинг хилма-хил ва кўркамлиги учун ҳам ҳозирданоқ уни шаҳар ичидаги шаҳар дея аташмоқда.

Республикамиз энергетикасининг улкан ва гигант корхонаси Сирдарё ГРЭСи ҳақида ўз вақтида кўп ва хўп гапирилган. Шаҳар ҳокими Исроил Эрбеков жуда ажойиб, содда ва ўзига хос мисолни келтирди. Унинг таъкидлашича, республикамиздаги ҳар бир уйда ёниб турган учта лампочканинг биттаси — Сирдарёникидир...

Муҳтарам депутатларимиз ва таниқли адибларимиз Пиримқул Қодиров, Иброҳим Ғафуров, Азим Суюн бу ерда бўлган чоғларида ана шу нурхона иши билан астойдил қизиқдилар, ишчи ва хизматчилар ҳузурида бўлдилар, нурхонанинг энг қайноқ нуқталари — электр энергия ишлаб чиқариш цехлари, бошқарув пультлари ва бошқа жойларида бўлиб, бевосита ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишдилар, кўпчиликни қизиқтираётган давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатига оид саволларга атрофлича жавоб беришга ҳаракат қилдилар. Сирдарё ГРЭСи директори Зокиржон Холиқов, бош муҳандис Баҳодир Абдурахмонов, иссиқлик автоматикаси цехи катта устаси Шукур Жумаев, йиғиш қурилмалари бўлими усталари Ўлмас Мингжигитов, Абдулла Соҳибов, электр чилангарлари Илҳом Исломов ва бошқалар билан бўлган жонли мулоқотлар, ўзаро норасмий фикр алмашувлар ҳаяжонли кечди, улкан нурхонамизнинг бугуни ва эртаси ҳақида катта умид ва ишонч туйғуларини уйғотди.

Пайчилар ва бошқалар...

«Тараққиёт» жамоа хўжалиги Боёвут туманидаги ўндан ортиқ хўжалик орасида катталиги жиҳатдан у қадар кўзга ташланмас. Бироқ, маърифатга, илм, маданиятга интилиш жиҳатидан туманда биринчиликни бермайди. Хўжаликнинг муҳташам клуби учрашув муносабати билан гавжум бўлиб кетди. Бирин-кетин тўпланганлар ҳузурида сўзга чиқишган Пиримқул Қодиров, Иброҳим Ғафуров, Азим Суюнларнинг қалб сўзлари кўпчиликни ҳаяжонга солди. Туман ҳокими Тоир Маъмуров, шу хўжалик фахрийси Раҳимберди Жўраев, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Анвар Хўжабеков, қишлоқ оқсоқолларидан Келдибек Усмонов, журналист Орзиқул Абдумасатов ва бошқаларнинг учрашувдаги қалб сўзлари нафақат ўз ҳамқишлоқлари, балки кўпни кўрган ҳурматли меҳмонларни ҳам ҳаяжонга солган бўлса ажаб эмас.

Меҳмонларнинг навбатдаги йўли Ховос туманидаги «Фарҳод» пайчилик хўжалигига тушди. «Фарҳодликлар» вилоятда биринчилардан бўлиб оилавий пудрат усулига ўтишган эди. Оқибатда у тез орада пайчилик хўжалигига айланди. «Фарҳод»нинг шундоққина катта йўл ёқасида жойлашган Қўзибой Муҳаммадиев бош бўлган дала шийпонида Олий Мажлис депутатларининг хўжалик пайчилари билан ажойиб учрашувлари бўлиб ўтди. Учрашувга келганларнинг қўлларида этак, демакки, ҳозирги кунларда ғўзалар чеканка қилинмоқда, яъни чилпиш ўтказилмоқда. Эркакларнинг қўлларида кетмон. Чунки суғориш ҳам авжида. Тўпланганларнинг кўплари ўзларининг севимли адибларини ёнма-ён меҳнат жабҳасида танидилар. Пайчилардан Назокат Ҳайитбоева, Ҳафиза Шойимқулова, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдусаттор Ҳайдаров ва бошқалар қишлоқларимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг моҳиятини, оила пудрати, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш йўлида кўп ишлар қилинаётгани, бу борадаги ҳаракатлар янада жонлантирилиши лозимлигини таъкидладилар. Ховосликлар ҳам юртбошимизнинг мамлакатимиз тараққиёти йўлида олиб бораётган улуғвор ишларидан ғоят мамнун эканликларини таъкидладилар. Ховос тумани ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Рустамбек Турдиев эса пайчилик, оила пудратини ривожлантириш, туман иқтисодиётини жонлантириш борасидаги ишлардан тўпланганлари воқиф этди. Сўз билан иш бирлиги мустаҳкам бўлган жойдагина ютуқлар забт этилади. Мазкур хўжалик далаларини ўз кўзлари билан кўришган меҳмонлар бунга амин бўлишди.

— Халқимизнинг энг гўзал, бахтли аёллари қишлоқларимизда яшайди, юзларингиздан доим шундай шодлик ва ҳаяжон балқиб турсин, — деди Азим Суюн. Бу каби сўзларни эшитган шу дала эгаларининг юзларидаги ҳаяжонларни кўрсангиз...

Оқолтин туманидаги Собиржон Сидиқов номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасидаги Ал-Фарғоний номли деҳқон хўжалиги 100 гектарлик майдонда Исроил технологияси асосида пахта ҳосили етиштиришга Сирдарёда биринчи бўлиб киришди. Меҳмонлар энг аввало бу ишга одамларнинг муносабати қандай — шу билан қизиқдилар.

— Жуда зўр! — дейди депутатлар билан бўлган суҳбатда уюшма раиси Аваз Толипов. — Пахта таннархи 30-40 фоизга арзонлашади. Сув, ўғитдан тежаб-тергаб фойдаланилади. Энг муҳими, сув танқислиги деган қўрқувдан халос бўламиз. Ўғитимиз ҳам беҳуда кетмайди.

— Бегона ўтлар қандай йўқотилади? — қизиқишади меҳмонлар.

— Қўл билан юламиз, бу жуда осон. Тупроқ доимо юмшоқ туради. — Изоҳ беради уюшма раиси.

Янги технология асосида ҳосил етиштираётган деҳқонлар бу усулнинг яхши фазилатлари ҳақида яна кўп мисолларни келтирдилар. Шулар билан бирга айрим мулоҳазалар ҳам айтилмоқда. Жумладан, туман ҳокими Олимжон Мирҳабибовнинг фикрича, пахта етиштириш жараёни, ялпи технологияси яхши. Лекин уруғни Морсилдан олиб келиб эмас, балки ўз уруғимиздан экишимиз керак. Чунки бизнинг уруғ, толамизни куя босган эмас. Чет эл уруғларидан эса қуя, бошқа биз ҳали билмайдиган иллатлар кириб келиши мумкин. Бу каби иллатларнинг эса вақтида олди олингани маъқул.

Оқолтинликлар бу йил мазкур технология асосида иш юритиб ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил олишмоқчи. Исроилдан келган мутахассис уларга кўмакдош бўлмоқда.

Олий Мажлис депутатлари сирдарёликларнинг истиқлол йўлида астойдил меҳнат қилаётганликларига амин бўлдилар.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Истиқлол Ватанида ёниқ сўзлар туғилади. Озодлик осмонида шеър юлдузлари порлайди. Юрт шоирлари эркинлик, ҳурлик оҳангларини баланд овозларда куйлайди.

Азиз замондошим! Эътиборингизга ҳавола этилаётган истеъдодли шоир Абдумажид Азимнинг ушбу достони истиқлолимиз асосчиси Юртбошимизга бағишланган.

Ватан мустақиллигига, тинчлигига бағишланган истиқлол илҳомидир.

Таҳририят.

Сарбон

Достон

Кеча

Кеча кечар, қоронғи кеча
Забун ухлар Ватан зулматда.
Кеча захмин мен ича-ича
Кўниккандим қаро қисматга.
Ўзлигимдан айрилиб ҳайрон,
Зулумотда ичардим ғамлар.
Раҳим айла яратган Раҳмон,
Ёлворардим ярим оқшомлар.
Ўзбекистон, ў аччиқ қисмат,
Наҳот сенга кулмаса толе,
Ўзбекистон, ў буюк хилқат,
Нима кечар ўзбек аъмоли?
Эрк ахтариб, ахтариб Ватан,
Мен сароблар ичра кўп кездим.
Аламларга тўлдим даъфатан,
Алдовлардан чарчадим, бездим.
Нафрат айтдим қаро тақдирга,
Яратганга тавалло қилдим.
Ва юкундим Яссавий пирга,
Хазон бўлдим, Ерга тўкилдим.
Сўрдим недир ўзбек аъмоли,
Чор атрофдан садо чиқмас. Жим.
Қачон кулар миллат камоли,
Ким ўзбекка нажот берар, ким?
Кеча кечар, зимзиё кеча,
Ғафлат ичра тўлғанар улус.
Кеча захмин мен ича-ича
Боболарга бурар эдим юз.
Тёмурбекдан сўрардим нажот,
Бобуршоҳдан имдод тилардим.
Тақа-тақ берк эшиклар, ҳайҳот
Нажот излаб елдек елардим.
Машраб эдим гузарларда гоҳ,
Элкезар бир далли девона.
Фалакларга ташлардим нигоҳ,
Улуғбекдай дадил, мардона.
Қувғин бўлиб, бўлиб саргардон,
Фурқат каби ўлдим фирокда.
Кимлигимни ўзинг айт, Турон,
Бошим бўлди доим сиртмоқда.
Алпомишман, сарғайиб, сўлиб
Қалмоқда чоҳ ичида қолган.
Хоразмшоҳ Жалолиддин бўлиб
Чингизхонга дадил от солган.
Халқим дея дорда жон берган,
Андижонлик Дукчи эшонман.
Юрт тупроғи кўзига суртган,
Ватанига содиқ Инсонман!
Қай эшикка урмай бошимни,
Қай макондан ахтармай паноҳ.
Тўхтамоққа кўздан ёшимни,
Топилмади раҳнамо, эвоҳ!
Умр тилаб Отам Ўзбекка,
Сиғинардим қодир Худога.
Қайтмоқ истаб мағрур ўзликка,
Очар эдим кафтим дуога.
Наҳот чаппа айланиб замин,
Дарёлар ҳам изига оқса.
Шодликларга айланиб ғамим,
Истиқлол биз — қулларга боқса.
Йўқ, йўқ, дарё бурилмагай терс,
Замин ҳам ўз ўқида қоим.
Юртда бир Шер туғилди шу кез,
Қуллуқ сенга қодир Худойим!

Мужда

Сана. Тўққиз юз тўқсон бир,
Сунбула. Ўттиз бир августда.
Халқим, бугун бўлдинг мустақил,
Дея, ул зот келтирди мужда.
Бу муждадан Ватан тирилди,
Бу муждадан ўлди истибдод.
Тарих гўё қайта эврилди,
Қуллуқ, Сизга олижаноб зот!
Темурбекдан азалий мерос,
Заковатга эдингиз ноил.
Сиздаги бу журъатга ҳақрост,
Дунё деди, офарин, қойил.
Кечамизни қилиб ёп-ёруғ,
Эрк офтоби чарақлаб кетди.
Юртим бўлди кишандан фориғ,
Нолишларим Худога етди.
Кўп асрлар бу эл саргардон,
Саҳро ошди, ошди ўру қир,
Тарих гувоҳ, Она Туркистон,
Ўтмишлардан бўйларсан мағрур.
Тарих гувоҳ, ҳақиқат учун
Ўғилларинг аямади жон.
Ўзлигингни англадинг бугун,
Жаҳон ичра бўлдинг бир жаҳон!
Ким ҳақ учун бошларкан элни,
Эл шу зотни кўтарар бошга.
Ким эрк учун боғларкан белни
Падар бўлар кекса-ю ёшга.
Ватанни гар хонадон десак,
Унга сўзсиз Юртбоши Ота.
Ўғил-қизнинг бурчидир бешак,
Ота қарзин айламоқ адо.

Истиқлол

Ҳурриятнинг сурудин куйлаб,
Не-не зотлар чекмадилар жон.
Эрк лафзида эртаклар сўйлаб,
Боболарим тўкишдилар қон.
Истиқлолдан сесканди ағёр,
Золимларнинг қиличи синди.
Қайтди яна кўксимизга ор,
Юракларда жасорат унди.
Қайтди яна элимизга бахт,
Хумо қушинг парвозда, Ватан.
Юртим, деган Инсон доим ҳақ,
Юртбошингни эъзозла, Ватан.
Эрк, эрк дея ботиб ғамларга,
Менинг бобом қулликда ўтди,
Етолмасдан ёруғ дамларга,
Менинг отам қулликда ўтди.
Тақдиримга қиларман шукур,
Истиқлолдан бўлдим сарафроз.
Қайта-қайта айтиб ташаккур,
Юртбошимга қиларман ихлос.
Бу мақтовмас, гапнинг очиғи,
Танирмиди Ўзбекни биров.
Очди халққа дунё эшигин
Президент Ислом Каримов!
Эл соғиниб кутди бу кунни,
Ўтди умр, ўтди фасллар.
Дил соғиниб кутди бу кунни,
Ўтди йиллар, ўтди асрлар.
Мустақиллик! Тансиқ нон каби,
Онам каби меҳрибон, суюк.
Мустақиллик — танда жон каби,
Мустақиллик падарсан — буюк!
Ўтмишлардан афсусларим йўқ,
Зеро, ҳар кун, ҳар он бир сабоқ.
Истиқлолга қиларман қуллуқ,
Тарихларни ўйлаганим чоқ...

Президент

У ким эди, биров биларди,
Бировларга жумбоқ эди у.
Халқи кулса У ҳам куларди,
Халқ йиғласа, йиғлар эди У.
Кўкси тўла номус ва ғурур,
Эл-юртим деб бўларди фидо.
Нигоҳлари тийрак ва мағрур,
Сарбон эди карвонда гўё!
У биларди, бу йўл кўп мушкул,
Матонат-ла берарди бардош.
Магар дўстлар тутар унга гул,
Душманлар-чи, отар эди тош.
Қурайлик деб фаровон ҳаёт,
Кеча-кундуз ҳаловат билмас.
Мазлум излаб келаркан нажот,
Бу даргоҳдан ноумид кетмас.
Ватан, дея аччик йиғлаган,
Инсонларнинг очди йўлини.
Туркистоннинг қаддин тиклаган,
Аждодларга тутди қўлини.
Йигирма беш милён элнинг
Дардига эш бўлмоқ осонмас.
Хору забун бўлган кўнгилни,
Истиқлолга бошлаш осонмас.
Осон эмас йўқдан қилиб бор,
Ўзбек номли сарватни тиклаш.
Қуллик ичра ётган бемадор,
Мазлумларнинг бошини силаш.
Гоҳ жунбушга келса оломон,
Шошманг, деди вазмин ва босиқ
Сизникидир ҳур Ўзбекистон,
Ўғил бўлинг, унга муносиб.
Ўзбекистон, о буюк тупроқ,
Кишанлардан бўлардинг озод.
Осонмасди сарбонга у чоқ,
Истиқлолга изларди нажот!
Фуқаролар чекмасин деб ғам,
Раъиатдан бўларди огоҳ,
Етакларди карвони илдам,
Узоқларга ташлаб у нигоҳ.
Элни мағрур кўрмоқ нияти,
Ожизларга айларди шафқат.
Туркистоннинг чўнг орияти
Темурбекдан сўради маслаҳат.
Мадад олиб Темур руҳидан,
Юрт ишқида ёнди у ҳассос.
Аждодларнинг шаън-шукуҳидан
Ҳурриятга солди у асос.
Деди, юртга зиёлар керак,
Маърифатга юзни бурингиз.
Ёш насллар, фидокор юрак,
Муҳташам бир бино қурингиз.
Ўзбекистон номли бу бино,
Кўз солмагай унга бегона,
Ўзбекистон номли бу маъво,
Жаҳон узра бўлсин ягона!
Эрта нима бўлишин билмай,
Баъзи каслар турарди ҳайрон.
Тўсиқларни назарга илмай
Карвонини бошларди сарбон!
Бир ўғлингман, қаторингда бор,
Ардоқларман, сени алқарман.
Етар бўлса, юрт сенга озор,
Оёғимга дарров қалқарман.
Қирқ йил яшаб билмадим нечун,
Ватан, сенинг қадрингни, ҳайҳот.
Мен туғилдим қайтадан бу кун,
Армонларим ушалмоқда бот.
Авлодларга бизлардан бир кун,
Шу юрт қолар озод ва обод.
Мен туғилдим, пешонам ёруғ,
Шўришларга ошно бўлмадим.
Мен туғилдим ғамлардан фориғ,
Қуллик, хўрлик нима — билмадим.
Мен туғилдим, истиқлол билан,
Ўз эркимга ўзим ҳоқонман.
Мен туғилдим бахт-иқбол билан
Жаҳонда ҳур — Ўзбекистонман.
Ўзбекистон — Ота маконим,
Ўзбекистон саждагоҳ тупроқ.
Ўзбекистон — жону жаҳоним,
Ўзбекистон — ниятларинг пок.
Совуқ демай ё иссиқ демай,
Ғўзаларга меҳрингни бердинг.
Насибангни бир ўзинг емай,
Дўстлар билан сен баҳам кўрдинг.
Ўзбекистон — хазон билмас боғ,
Ўзбекистон — сахий ва ҳотам.
Фарзандларинг камолига боғ,
Ўзбекистон — падарим, отам.
Бири сурар фан уфқида от,
Бири кўкда бамисли бургут.
Бири санъат илмида Беҳзод,
Ранг излайди жамолингга, Юрт!
Мен ўзбекман, тарихим узоқ
Довруғимни билади жаҳон.
Кимлар менга қўймади тузоқ,
Юзим бўлди мисоли сомон.
Мен ўзбекман, абадий армон,
Юрагимда минг йиллик саслар.
Сарбонидан адашмас карвон
Билиб қўйинг, эй гумроҳ каслар!
Улуғ йўлнинг машаққати мўл,
Аммо унга чарчоқ бегона.
Ўзлигига қайтаётир Эл,
Қаддин тиклаб дадил, мардона.
Фарзандингман, ғам чексанг, куйган,
Шодлигингдан энтикиб ийган,
Сарбонингга меҳрини қўйган,
Фарзандингман, юрақдан суйган.
Тарих учун саккиз йил ахир,
Мисоли бир чақнаган чақин.
Тамом битди, у қаро тақдир,
Ғолиб келди Истиқлол тағин.
Улуғ йўлнинг машаққати мўл,
Манзилларда тўхтамас карвон.
Кимдир мансаб курсисига қул,
Ким халқим деб, чекаяпти жон.
Улуғ йўлнинг машаққати зил,
Бардошингга суянгин, халқим.
Тақдирингга минг бор шукр қилиб,
Юртбошингга суянгин, халқим!

Халқ

Мустақиллик оддий гап эмас,
Тарих шундан шаҳодат берур.
Қанча юртлар тўзиб гўё хас,
Қанча эллар саргардон юрур.
Қанча Ватан истиқлол учун,
Бўлмоқда бор-йўғидан жудо.
Минг бор қуллуқ тақдирга букун,
Ярлақабди бизларни худо.
Меҳнат, ижод аввалу азал,
Халқим, сенга энг олий аъмол.
Улуғ йўлдан чалғисак сал-пал
Кечирмайди бизни Истиқлол!
Эксак, тиксак, қурсак, яратсак,
Камол топса авлодлар дуркун.
Дунёларга довруқ таратсак,
Кунлар келиб, аминман бир кун.
Кунлар келиб Парижу Лондон,
Московларни этажакмиз лол.
Англагаймиз ўшанда чиндан,
Қимматингни буюк Истиқлол.
Бугун кўнгил қувончга тўлиқ,
Элим дея куйманар деҳқон.
Эрта бўлар хирмонлар улуғ,
Бахт топади бунда ҳар инсон.
Халқинг учун ёняпсан, юрак,
Виждонинг эл бўлмас ёлғонга.
Ҳур Ватанга ўғиллар тиргак,
Фидойилар эшдир Сарбонга.
Ишонаман, бахт-иқбол йўлдош,
Ўғилларинг — суянч тоғингдир.
Бош устингда Истиқлол — қуёш,
Ватан, гуллаб-яшнар чоғингдир.
Олға бошлар карвонни сарбон,
Бугундан-да, эртамиз буюк.
Чирой очар ҳур Ўзбекистон,
Жаннат каби фусункор, суюк.
Шиорингдир эзгулик, иймон,
Иқболингни кўрарман порлоқ,
Олға бошлар карвонни сарбон,
Улуғ йўлнинг манзили узоқ...

Абдумажид АЗИМ

Чарақлайди чироқчининг чироқлари

«Энг улуғ, энг азиз» танловига

— Қадим карвон йўлларида юртимиз маёқ бўлгани, чироқ тутгани рост. Шунданми, Чироқчи аталиб кетган экан. Бу даштлар неча бор қовжираб, неча бор яшнаганидек, элимиз бошидан қандай кунлар ўтмади, дейсиз. Шўро замонида нуқул пахта, дон, чорвани сўрашди. «Мактаби йўқ», «Маблағи йўқ», дейишмади. Элимизга юртбошимизнинг назари тушди. Истиқлол шарофати ила қаддимизни андак бўлса-да кўтариб олаяпмиз. Ана шулар ҳақида ёзинглар. Наҳотки эзгу ишларни илғаш шунчалик қийин?..

Бу — чироқчилик журналист дўстим кўксида жаранглаётган истиқлолнинг кумуш қўнғироқчалари... Янги қурилаётган темир изларга бўйлаганимда ҳам, туя ўркачидек адирлар, адоқсиз яйловларни кезганимда ҳам, янги буғдойдан пиширилган нон таъмини тотганимда ҳам бу садони сезаман. Ҳақиқат олдида ниҳон бўлиш мумкин эмас. Тариқ донасидек сочилиб кетган қишлоқлар... Тезак асосий ёқилғиси бўлган хонадонлар... Олтмишинчи йиллар охирида чим, пахсадан тикланган, йиллар юки остида харобага айланган мактаблар... Дарвоқе, ана шу мактабларда бир неча авлод таълим олди. Уларнинг кўксида умид ва орзу чақнаб турди. Қадим карвон йўли ўтган даштлар, шунда макон қурган эл ҳақ гапни, келажакни қумсаб яшади. Ҳақ гапни юртбошимиз айтдилар. Вилоятга раҳбарлик қилганларида туманнинг тараққиётдан анча орқада қолганига эътиборни қаратган эдилар. Улуғ истиқлол йилларида ҳам назарларидан қочирмадилар. Чироқчининг мўл ғалла етиштираётганидан қувондилар. Газлаштириш даражаси пастлигини тилга олдилар. Натижада «Кўкдала» магистрал газ қувурини тортиш учун ҳукуматимиз 312 миллион сўм маблағ ажратди. Қурилиши бошланиб кетган бу тармоқ ишга тушса, туман қишлоқларини 50 фоиз газлаштириш имкони яралади. Ҳукумат маблағи эвазига 2 та коллеж қурилиши олиб борилмоқда.

— Бу жойлар — Қўнғиртов этаклари, — дейди «Чорвадор» хўжалиги кадрлар бўлими бошлиғи Нурмон Улуғов. — Тўққизта қишлоғимизнинг биттаси — Қаноатли.

Элимиз ҳам қаноатли, сабр-бардошли. Мен иқтисодчи эмасман, аммо бирор киши идорага дон сўраб бормаслигини айта оламан. 600 оила 50 сотихдан ер олган. 10 минг гектар ерга дон экиш мумкин, бари лалми. Мана, тажрибали деҳқонимиз Исроил акадан сўранг қолган гапни.

— Мен йигирма йил бош ҳосилот бўлиб ишладим, — дейди ҳозирда 1-бўлимни бошқараётган Исроил Абдуллаев. — Иқтисодни кўтариш учун деҳқончилик илмини ривожлантириш, ерни алдамаслик керак. Чироқчи шароитида мўл ҳосил олишнинг ўзига хос шартлари бор. Масалан, бўлимимиз деҳқончилик қилаётган 1750 гектар ердан ўтган йили 9,2 центнердан, бу йил қарийб 13 центнердан дон йиғиб олдик. Биласизми, сабаби нимада?

Яна ўзи изоҳлайди: «ерни алдамаслик керак». Ярим асрдан буён бир хил экин экилаётганлиги, суғориладиган ерларнинг унумдорлиги пастлиги, ёлғиз Зарафшон дарёси сувига кўз тикканини бир дам эсдан чиқармаслик керак. Кейинги уч йилда айнан шу муносабат қатъий қўйилмоқда. Тўқсон бешинчи йилда пахта режаси ошди, аммо тола олиш 30 фоизни ташкил этди. Ўтган йили ҳосилдорлик 21,7 центнер бўлиб қолди, аммо тола чиқиши 34,7 фоизга етди. Бу йил 11 минг гектар ердан 24,5 центнердан пахта олиш учун кураш кетмоқда. Мана, ҳалол меҳнатнинг ҳисоби!

Бироқ туманнинг асосий бойлиги дон ва лалмикор ерлар. Сувга ташна қир-адирларда етиштиралаётган дон нафақат яратганнинг иноятн, балки шу билан бирга деҳқон рўзғорининг тўкинлиги, пешона терининг самарасидир. Туман ғаллакорлари тўқсон еттинчи йилда давлатга 54 минг тоннадан, тўқсон саккизинчи йилда 42 минг тоннадан зиёд дон етказиб беришди. Қарийб 100 минг гектар лалмида деҳқончилик қилиш мумкин. Аммо эртага-чи? Дам олдирилмаган, «қора шудгор»га ажратилмаслик устунлик қила бошлади. Келинг рақамлар сўйласин: 1996 йилда 73 минг гектар лалми-ғалла ҳосилдорлиги 3 центнерга етмади. 1997 йилда 71 минг лалми ғалланинг ҳар гектаридан 7,7 центнердан, 1998 йилда 45,6 минг гектар ғалланинг ҳар гектаридан 8,6 центнердан ҳосил олинди.

Бу йил эса 40 минг гектар лалми ғалла ҳосилдорлиги 12 центнерга етди. Бир гектар майдонда дон етиштириш учун атиги 378 килограмм ёқилғи сарфланаётганлиги, харажатлар камайиб, иқтисод кўтарилаётганлигига нима дейсиз?!

Булар истиқлол ва ислоҳотлар шарофати. Ер ўз эгасини, ғамхўрини топмоқда. Жамоа ва ширкат хўжаликлари қатори фермер ва деҳқон (томорқа) хўжаликлари ривож топмоқда. Ўтган йили 219 фермер хўжалиги 5119 гектар ердан 2775 тонна пахта, 4082 тонна дон етиштирди. Аҳоли 72 минг бош қорамол, 235 минг бошдан зиёд қўй-эчкини парвариш қилмоқда. Гўшт-сут ўзларида, Ўтган йили 12 минг гектар томорқалардан 13 минг тонна, бу йилда ферма туздим. Ҳозир 18 гектар еримиз, 110 бош молимиз, артезиан қудуғимиз бор. Ўтган йили 40 тонна сут етиштирдик, бу йил 70 тонна бўлади. Ҳисобимизда 500 минг сўм пулимиз бор, янги молхона қурмоқчимиз. Қудрат деган етимни асраб олдим. Тумандаги интернатдан Стефан, Рустам, Коля деган ўсмирларни олиб, ўғил қилиб олдим. Уларнинг ҳаммасини битта тўй қилиб уйлантирмоқчиман. Қўйинг, бобонгизни мақтаманг. Президентимиз савобни ҳар ким қилиши керак демаяптиларми? У кишининг ҳар кунги юмуши улуғ савоб эмасми? Яхшиси менинг у кишига дуои-саломимни ёзинг...

Чироқчининг келажагини кўраётган, етимларнинг бошини силаётган Хуррам бобо сингари олижаноб қалб эгалари бисёр. Бугун ҳам, эртанги кун ҳам ёшларники. Туман аҳолиси 255 минг нафардан ошган бўлса, шундан 52 фоизи ўн олти ёшгача бўлган ёшлардир. Ўттиз ёшгача бўлганларнинг ўзиёқ 33 минг кишидан ошиқ. Мана — келажак, ушалаётган орзу-умидлар. Шу баробарида уларга замонавий мактаблар, иш ўринлари керак. Мавжуд 162 та мактабнинг 72 таси таянч илм масканларидир. Тўғри, пахсадан, чимдан тикланган, хароба мактаблар ҳам бор. Аммо ҳеч ким қўл қовуштириб ўтирган эмас. Ўтган йилнинг ўзида 2 та таянч мактаби, 2140 ўринли 57 та синфхона қурилди. Айни пайтда «Кўкдала» хўжалиги ҳудудида 900 ўринли касб-ҳунар коллежи қурилмоқда. «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидаги эски билим юрти таъмирланиб, коллежга айлантирилади. Келгусида коллежлар 17 тага етиши, битта академик лицей ташкил топиши белгиланган.

Истиқбол режалари шунчалар жозибалики... Бироқ, ҳаётнинг ўз талаблари бор. Айни пайтда мактаблар шароитини тубдан яхшилаш, битириб чиқаётган ёшларни меҳнатга жалб этиш ва қишлоқлар ободончилиги яна ва яна маблағга келиб тақалади. Қишлоқ хўжалигида кўтарилишлар умидли. Лекин асосий маҳсулотларни шу жойда қайта ишлаш, юзлаб минглаб малакали ишчиларни тайёрлаш мана иқтисодий кўтарилиш истиқболлари. Бусиз, фақат давлат бюджетидан маблағ сўраш орқали ўнлаб муаммолар ҳал бўлмайди. Бильакс, туман яна тараққиётдан орқада қолаверади.

Шундай ўйларга чўмаману, юрагимда ажиб ёруғлик сезаман. Негаки, истиқлол орзуларга қанот берди — улар ҳақиқатга айланмоқда. Айни пайтда 210 та кичик корхона ва 750 га яқин якка тадбиркор фаолият кўрсатаяпти. Биргина ўтган йили улар 211 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб, турли хизматлар кўрсатишди. Бугун эса 1600 киши тадбиркорлик билан машғул. Афсуски, йирик туман муаммоларини ҳал этиш учун булар оз. Етиштирилаётган маҳсулот ўнлаб йирик корхоналарни хомашё билан таъминлай олади. Мақсад ҳам улуғ саноати ривожланган туманга айланиш! Ана шунда маблағ йўқ, тараққиёт паст даражада, деган дашномлар барҳам топади.

Бу йилдаги қадамлар эса қутлуғ. Илгари фақат пахта тозалаш ва касаначилик корхоналари бор эди. Ҳозир бир қанча янги корхоналарга эга бўлишди. Юртбошимизнинг ҳар бир корхонанинг хорижий шериги бўлсин, деган даъватлари асосий дастур бўлмоқда. Аста-секин хорижий инвестиция жалб этилаяпти. Туманда 1997 йилда ташкил топган «Осиё-Тралек» ЛТД Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси ўтган йили 29 миллион сўмлик банка қопқоқлари ишлаб чиқарди. Германиянинг «Пераф-Зингер» фирмаси билан ҳамкорликда «Бизинтруд-Чирақчи» жамияти ташкил этилиб, 40 та тикувчилик машинаси ўрнатилди. Ипйигирув, тўқима, нотўқима ашёлар фабрикаси Чехиянинг Либерс шаҳридаги «Эльтекс» акционерлик жамияти билан ҳамкорликда янгидан 400 ишчи ўрни яратиш юзасидан шартнома тузди. Бундай истиқболли режалар, юракни ёндирадиган орзулар бир жаҳон. Яна бир хушхабарни айтмоқ керак. Вилоят ҳокими ўринбосари Ш. Назаровнинг эътирофича, шу йилнинг 1 кварталида барча кўрсаткичлар бўйича Чироқчи тумани рейтинги 1-ўринга кўтарилади. Баракалла! Мен шу аснода чироқчилик дўстим, «Йилнинг энг яхши журналисти» вилоят кўриги ғолиби Бердиёр Жумаевга жавоб айтгим келди:

— Нуқул нуқсон изловчиларга нисбатан муносабатда сиз ҳақ эксанс. Бугунги Чироқчи ислоҳотлар йўлига дадил бориб, улуғ орзулар билан яшаётган экан. Фақат уларни кўра билмоқ, қалб кўзгусида акс эттирмоқ лозим. «Ризқ-рўзимиз қишлоқ билан боғлиқ», деган эдилар Президентимиз. Мустақиллик байрами арафасида туман қишлоқларини кезар эканман, димоғим нон ҳидига тўярди. Фахрланиб, қайта-қайта бу нон етиштираётган, юртни тўйдираётган Чироқчи, дердим,- чироқлари мангу порлайди, дердим...

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тил — дарё, дарёмизни асрайлик

Русча ёзилиши	ўзбекча қўлланиши (ва манба тиллардаги маъноси)
накладная	**юкхат**
наркотик	**наркотик** (юнонча narcotikos гангитадиган, айнитадиган (гиёҳвандлик). Ўсимликлардан олинадиган ва сунъий тайёрланадиган наркотик моддалар мавжудлигини ҳисобга олиб, уларни гиёҳвандлик моддалари эмас, балки наркотик моддалар деб аташ маъқул.
норма	**норма** (лотинча norma бурчак ўлчагич; ўлчов), меъёр. Ҳозирги пайтда тилимизда бу иккала сўз ҳам ишлатилмоқда.
норматив	**норматив** (лотинча normatio тартибга солиш), меъёрий. Бу атама ҳам 2 шаклда: «норматив» ва «меъёрий» тарзида қўлланилмоқда.
нотариус	**нотариус** (лотинча notarius котиб). Айрим ўринларда уни «нусхакаш» деб нотўғри қўлланмоқда.
область	**1. вилоят. 2. соҳа** Бу атама икки маънода қўлланмоқда.
оборот	**айланма**
оператив	**тезкор**
орден	**орден** (лотинча ordo (ordinis) қатор, даража). Бу атаманинг «нишон» деб берилиши нотўғри.
отпуск	**таътил**
офицер	**офицер** (лотинча officiarus - officium лавозим, хизмат). Бу атаманинг «зобит» шаклида қўлланилиши ҳам учрайди. Лекин у «офицер» сўзининг маъносини бера олмайди.
партия	**партия** (лотинча pars (partis) қисм, гуруҳ). Бу атама кўп маъноли. Унинг бир маъноси партия (тарихан «фирқа») — ғоявий жиҳатдан маслакдош, манфаатлари муштарак, муайян ишни амалга ошириш йўлида бирлашган киши лар гуруҳини англатади. Бундан ташқари, у «товар партияси», «шахмат партияси» каби бошқа маъноларда ҳам ишлатилади.
патент	**патент** (лотинча patens (patentis) аниқ, очиқ). Бу атамани «рухсатнома» билан алмаштириш тўғри эмас. «Патент» асосан кишининг бирор нарсага бўлган ҳуқуқини тасдиқлайди.
пенсионер	**пенсионер** (лотинча pensio тўлов) Бу атама кўп ҳолларда «нафақахўр», айрим ўринларда «пенсияхўр» шаклида нотўғри қўлланмоқда. Маълумки, «хўр» қўшимчаси кўпинча салбий маъноли сўзларни ясайди. (мас. «порахўр», «араҳхўр»). Нафақахўр, пенсияхўр сўзларининг қўлланилиши пенсионерларнинг иззат-нафсига тегмоқда.
пенсия	**пенсия** (лотинча pensio тўлов). Бу атаманинг «нафақа» деб ишлатилиши нотўғри. «Нафақа» сўзи русча «пособие»га тўғри келади. «Пенсия» эса инсоннинг узоқ йиллар давомида қилган меҳнати эвазига тўланадиган ҳақдир.
план	**1) режа, 2) тарх** Мазкур атама икки маънода қўлланмоқда.
подряд	**пудрат**
пособие	**нафақа**
практика	**амалиёт, тажриба**
прейскурант	**нархнома**
приватизация	**хусусийлаштириш**
программа	**дастур**

(Давоми бор)

«Самарқандга олтин саёҳат»

Инглиз шоири Жеймс Элрой Флеккернинг лирик асари шундай номланади. Бу бежиз эмас, албатта, зеро Ўзбекистоннинг қадимий шаҳри хорижий кўплаб сайёҳларда ўзгача бир қизиқиш туғдирмоқда. Ахир ЮНЕСКО ва Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти таъбирига кўра, «Буюк Ипак йўлининг юраги» бўлмиш Самарқанд жаҳон аҳлини доимо ўзига ром этаётир.

Шу ҳафта охирида бир гуруҳ инглиз сайёҳларининг Самарқандга «олтин» сафарлари бошланди. Бундай имкониятни уларга «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси яратди. Инглиз сайёҳлари Лондондан Самарқандга тўғридан тўғри учиб келадилар. Жаҳон андозалари талабларига мос бўлган халқаро аэропорт мажмуида иммиграция ва божхона расмиятчиликларидан ўтиш жараёни саноқли дақиқаларни тақозо этади.

Сайёҳлар беш юлдузли «Афросиёб» меҳмонхонасида жойлашадилар. Хуллас, меҳмонларимизнинг Ўзбекистондаги ташрифлари мароқли ўтиши учун барча шароитлар муҳайё этилган. Миллий авиакомпания август-сентябрь ойларида шундай 8 та қатновни амалга оширади. Бу Европадаги ва айниқса Лондондаги тур-операторлар билан биргаликда катта меҳнат самарасидир.

Йўловчиларга самода ҳам, ерда ҳам барча қулайликлар яратаётган миллий авиакомпаниянинг янги дастурлари сайёҳликни ривожлантиришга ва халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга кўмаклашади.

Алишер РЎЗИЕВ

Миссия узайтирилди

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Бош котиб Кофи Аннаннинг илтимосига биноан, ташкилотнинг Шарқий Тимордаги миссияси мандатини бир ойга, яъни 30 сентябргача узайтиришга қарор қилди.

БМТ миссияси Индонезиянинг ушбу ўлкасига бўлажак референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлганларни рўйхатга олиш ва сўровлар ўтказиш мақсадида киритилган эди. Миссия вакилининг айтишича, айни пайтда тадбирда қатнашадиганларнинг 286 минг нафари рўйхатга олинган.

Индонезияга ёрдам

Халқаро валюта жамғармаси Индонезияга 460 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз беришга қарор қилди. ХВЖнинг бу ҳақдаги баёнотида айтилишича, ушбу маблағ мамлакатда нарх-навони барқарорлаштириш борасида ислоҳотлар ўтказишга, шунингдек, банк тизимини такомиллаштириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашни яхшилашга сарфланади.

Ўрмонлар аланга ичида

Россиянинг Хабаровск ўлкаси ўрмонларида қарийб бир ойдан буён кучли ёнғин давом этмоқда ва у борган сари авж олаётир. Ўлкада ёққан кучли ёмғир ҳам ушбу муаммони бартараф қилишга ёрдам бермади. Ёнғин айниқса, ўрмондаги ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига катта талофот етказмоқда.

Шунингдек, аҳоли ўз турар жойини ўзгартиришга ҳам мажбур бўлаётир.

Ўрмон хўжалиги хизмати маълумотига қараганда, ўлкада сўнгги йилларда иккинчи бор шундай йирик табиий офат юз бермоқда. Ўтган йилги ёнғин ҳам минг-минг гектар ўрмоннинг кулини кўкка совурган эди. Айни пайтда эса ўн минг гектарга яқин ўрмон ўт ичида қолган.

Қочоқлар кўпаймоқда

Халқаро Қизил Хоч қўмитаси Танзания ғарбида Конго Демократик Республикасидан келган қочоқлар учун қўшимча турар жойлар қура бошлади. У 30 мингга яқин қочоққа мўлжалланади. Қўмитанинг Найробидаги вакили Жон Спарроунинг айтишича, ҚДРдаги ўзаро қарама-қарши томонлар тинчлик битимига келишишга розилик билдирган бўлса-да, вазият ҳамон мураккаб. Можародан тинка-мадори қуриган маҳаллий аҳоли эса қўшни Танзания ҳудудига қочиб ўтишга мажбур бўлмоқда ва улар сони тобора ортиб бораётир.

Кашандалик — келтирар ташвиш

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кашандалар сони тобора ортиб бораётганидан ташвишда. Маълумотларга қараганда, айни пайтда дунё бўйича 1,2 миллиард киши сигарета чекар экан. Бу катта ёшдагиларнинг ҳар учтасидан бирига тўғри келади.

Чекиш туфайли соғлиғи ёмонлашганлар сони ҳам кўпайса кўпаймоқдаки, камайгани йўқ. Йилига уч миллион киши кашандалик туфайли нобуд бўлмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, бошқа мамлакатларга қараганда, Бразилияда чекувчилар сони кўпчиликни ташкил қилади ва бу ерда ҳар бир соатда ўнга яқин киши чекиш туфайли вафот этмоқда.

Халқ банки халқ хизматида

Бугунги кунда Халқ банки ўзбек халқининг қалбидан чуқур жой олди. Зеро миллионлаб фуқаролар ўз жамғармаларини шу банк муассасаларида сақлаб, мўмайгина даромад олмоқдалар. Хўш, XXI аср бўсағасида бу ерда қандай эзгу ишлар бажарилмоқда? Яна қандай режалар бор? Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки раисининг биринчи ўринбосари Содиқ ЭРГАШЕВ мухбиримизга гапириб берди.

Ислоҳот ва масъулият

— Содиқ Хусенович! Халқ банки — ўз номи билан халқ манфаатини ва унинг эҳтиёжларини қондиришни кўзлаб хизмат қилади. Бас, шундай экан, ҳозирги кунда банк ўз олдидаги вазифаларни қай даражада бажармоқда, кўзланган мақсадларга қандай эришмоқда, умуман, банк ҳаёти тўғрисида сўзлаб бersангиз.

— Маълумки, Халқ банки республикамиздаги кенг тармоқли йирик банклардан бўлиб, мамлакатимизнинг ҳар бир туман ва шаҳри, қишлоқ ва қўрғонида ўзининг 6294 та бўлими орқали аҳоли ва юридик шахсларга 50 дан зиёд турдаги кенг кўламли банк хизмати кўрсатиб келмоқда.

Жисмоний ва юридик шахслардан пул маблағларини жалб қилиш, шунингдек, кредит-ҳисоб-китоб, кассамуомала ва бошқа турдаги хизматларни амалга ошириш банк фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланади.

Банк ўз олдига қўйган мақсадига эришиш йўлида қатор вазифаларни амалга оширмоқда. Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш, маблағларни кўп даромад келтирувчи сармояларга жойлаштириш, мамлакат халқ хўжалигининг устувор тармоқларига йўналтириш орқали уларнинг сақланишини кафолатлаш орқали фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш банк фаолиятининг асосий йўналишини ташкил этади. Ҳозирги кунда банк муассасаларида 8 миллионга яқин ҳамюртларимиз ўз жамғармаларини сақламоқдалар. Бу эса республика фуқароларининг ҳар учтасидан биттаси Халқ банки омонатчиси эканлигидан далолат беради.

— Содиқ ака, мана сиз ҳозир банкнинг омонатчилари тўғрисида фикр билдирясиз. Сиз айрим фуқароларнинг Халқ банкида ўз маблағларини сақламасликлари ёки «банкка бўлган ишонч йўқолган», деган фикрларига қўшилмайман. Аввало, ҳар қандай мамлакатда пул маблағларини у ёки бу банк муассасасида сақлаш ёхуд бошқа бир кўринишдаги молия муассасаларининг бирон лойиҳасига инвестиция қилиш, турли молия муассасалари таклиф этган турли шартларда даромад олиш, ҳар қандай фуқаронинг ўз истак ва эҳтиёжига боғлиқ.

Маълумотларга мурожаат этадиган бўлсак, Халқ банки муассасаларидаги омонатлар қолдиғи 1995 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан қарийб 270 фоизга ортди, бу эса ўз навбатида бир неча миллиард сўмдан иборатдир. Бундан кўриниб турибдики, фуқароларимизнинг ўз жамғармаларини Халқ банки бўлимларида сақлашга бўлган эҳтиёжи ва имкониятлари йил сайин ошиб бормоқда.

Вақтинча бўш турган пул маблағларини банкимизда сақлашдан аҳоли манфаатдорлигини ошириш мақсадида аҳолининг талаб ва истакларини инобатга олган ва молия бозори шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда омонатларнинг янги турларини жорий этиш ва анъанавий турларини такомиллаштирилган талаб бўлган талабни сифатли қондириш мумкин. Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиб борилаётган ҳозирги дамларда, табиийки, ҳар қандай корхона ёки ташкилотлар ўртасида шаклланаётган рақобат сингари, банклар ўртасида ҳам кучли рақобат шаклланиб бормоқда. Хусусан, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилиш соҳасида ҳам республикамиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган кўпгина банклар турли шарт, муддатлилик ва фоизлар билан жамғарма усулларини ёки бошқача қилиб айтганда, омонат турларини фуқароларимизга таклиф этмоқдалар. Шу жумладан, Халқ банки ҳам ўзининг 10 дан ортиқ омонат турларини ҳозирги кунда омонатчиларимизга таклиф этмоқда ва фуқароларимиз ўз маблағларини Халқ банки томонидан таклиф этилган жамғармаларга қўймоқдалар.

Лекин мен айрим фуқароларимизнинг «банкка бўлган ишончи йўқолган», деган фикрларига қўшилолмайман. Аввало, ҳар қандай мамлакатда пул маблағларини у ёки бу банк муассасасида сақлаш ёхуд бошқа бир кўринишдаги молия муассасаларидаги омонатлар қолдиғи 1995 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан ўзгаришлар юз берганда ҳам Ўзбекистондаги энг қулай, энг жозибали, омонатчиларимиз учун энг ишончли банк бўлиб қолаверишига ишончимиз комил.

— Халқ банки республикамиз ҳукуматининг фуқароларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган тадбирларини бажарилишида қандай иштирок этмоқда?

— Вазирлар Маҳкамасининг кам таъминланган ва кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш ва кучайтириш борасида 1994 йил 24 августда ва 1996 йил 10 декабрда қабул қилган қарорларининг ижросини таъминлашда Халқ банкининг республикамиз ҳудудидаги барча бўлимлари фаол иштирок этмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври ичида банк муассасалари орқали кам таъминланган оилаларга 1.4 млрд. сўм миқдорида моддий ёрдам пуллари, 11.5 млрд. сўмдан зиёд «Болалар» нафақалари, 4.2 млрд. сўм миқдорида 2 ёшгача болали оналарга нафақалар тарқатилди. Бундан ташқари, аҳолининг омонатлари ва суғурталари бўйича индексация қилинган пул маблағларининг тарқатилиши ҳам мажбуриятли амалга оширилмоқда. Биргина 1999 йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида «Индексация» махсус ҳисоблари бўйича йил давомида берилиши лозим бўлган омонат қолдиғининг 40 фоизи миқдоридаги 5.4 млрд. сўм маблағ омонатчиларга берилди ва бу жараён ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда.

Бундан ташқари, яна шуни таъкидлаб ўтишим лозимки, куни кеча Вазирлар Маҳкамасининг «Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлар пайдо бўлганлиги учун вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 ноябрдаги қарорига асосан аҳолининг уй-жой коммунал, электр энергияси ва бошқа тўловлари учун жорий йилнинг ўтган даври ичида 505 миллион сўмдан зиёд миқдордаги маблағлар фуқароларнинг «Индексация» махсус ҳисобларидан нақд пулсиз йўли билан тегишли ташкилотлар ҳисобига ўтказиб берилди.

— Кредитлар — банкнинг даромад манбаи эканлиги маълум. Халқ банки кредит портфели таркиби ҳақида нима дея оласиз?

— Банкимиз молия бозори конъюнктурасини таҳлил қилган ҳолда активларни таснифлаш сиёсатини амалга ошириб бормоқда. Аввало иқтисодиётнинг реал соҳаларига бериладиган кредитлар ҳажми кенгайиб бормоқда. Маблағларнинг жойлаштирилиши самарадорлигини ва кредит операцияларини амалга ошириш жараёнида иш олиб бориш, унинг банк учун мақбул даражада бўлишини таъминламоқда. Янги банк хизматлари таклиф этилиб, амалдагилари такомиллаштирилиб борилмоқда. Турли туркумдаги мижозларни кредитлаш соҳасидаги ўз хизматларимизни улар учун янада қулай бўлишига интилмоқдамиз.

Банкнинг кредит портфелида аҳолига якка тартибда уй-жой қурилиши учун бериладиган узоқ муддатли кредитлар ҳам салмоқли ўрин тутади. Ҳозирги кунда фуқароларимиз банкнинг 450.0 миллион сўмдан зиёд миқдордаги кредитларидан фойдаланмоқда.

Келгусида биз аҳолига берилаётган кредитнинг бу тури билан чекланиб қолмай балки, истеъмол кредитларини жорий этишни ҳам режалаштирганимиз ва келгусида кредит портфели таркибини янада ривожлантириш борасида ишлар олиб борамиз.

— Халқ банки келгусида қандай мақсад ва вазифаларни бажаришни кўзлаган? Мана, айни пайтда бозор муносабатлари шаклланиб боraётган бир пайтда чет эл инвесторлари билан ҳамкорлик масалаларига долзарб мавзулардан бири деб қаралмоқда. Бу борада банкларга оид Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари қабул қилинди. Шу масалалар юзасидан Халқ банкида нима ишлар қилинмоқда?

— Халқ банкининг 12000 кишилик жамоаси бундан кейин ҳам халқимиз манфаатлари йўлида доимо хизматда. Банкнинг жамики мақсад ва вазифалари мижозларимизга кенг кўламли, сифатли хизмат кўрсатиш, мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишида фаол иштирок этишга қаратилади.

Президентимизнинг 1998 йил 25 декабрда қабул қилган «Давлат-тижорат Халқ банкини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ва мазкур Фармон ижроси бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарор Халқ банки олдига кўрсатилаётган хизматларнинг савиясини, сифатини ошириш, омонатчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва кучайтиришдек долзарб масалаларни кўйди. Президентимизнинг мазкур Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг ушбу Фармон ижроси бўйича жорий йилнинг 22 апрелида қабул қилган қарори Халқ банкини ўз мижозларига жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатувчи банклар қаторидан ўрин олиши йўлидаги янги собит қадам бўлди, десам, муболаға бўлмайди. Банкимиз низомий сармояси 3 миллиард сўм миқдорида белгиланди. Бундан ташқари, Халқ банки 2002 йилнинг 1 январига қадар барча турдаги солиқлардан озод этилди. Солиқдан озод этилган маблағлар банкнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилиши белгиланди. Албатта, яратилган имконият ва имтиёзлар банкнинг келгусида янада барқарор ва муқим бўлишида катта аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда қайд этилган Фармон ва қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича Давлат-тижорат Халқ банкини 1999-2002 йилларда комплекс ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди ва айни пайтда унинг ижроси юзасидан ишлар олиб борилмоқда.

Хорижий давлатлар етакчи жамғарма банкларининг иш фаолиятини ўрганиш ва уларни маҳаллий хусусиятларини инобатга олган ҳолда Халқ банкида жорий этиш масаласи мазкур тадбирлардан ўрин олган. Бу борада амалий ишлар бошлаб юборилди. Халқ банкининг етакчи мутахассислари, ҳудудий бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари таркибидаги делегация жорий йилнинг март ойида Германия жамғарма кассалари фаолияти билан танишиб қайтди. Бу сафар давомида ушбу мамлакат жамғарма кассалари тарихи, эришилган ютуқлари ўрганилди. Шуни таъкидлашим керакки, айни пайтда Германия жамғарма кассалари билан ўзаро ҳамкорлик борасида келишилди ва ушбу келишувга асосан, Германия томони Халқ банки бўлимларини техник жиҳозлаш, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасида ёрдам беради. Ўйлайманки, бу ҳамкорлик ҳам келгусида самарали бўлади.

— Сиз билан мамлакатимиз мустақиллигининг 8 йиллик тўйи нишонланиши арафасида учрашиб турибмиз. Суҳбатимиз жараёнида Халқ банки жамоаси амалга ошираётган ишлар, уларнинг 8 йилда қўлга киритган ютуқлари бир қадар намоён бўлди. Энди айтингчи, сиз Халқ банкининг эртанги кунини қандай тасаввур қиласиз?

— Аввалам бор, Оллоҳга беадад шукрлар бўлсинким, юртимизда осуда ҳаёт, халқимизнинг меҳнатсеварлиги натижасида барча жабҳаларда оламшумул ютуқларга эришяпмиз. Халқ банкини ривожлантиришнинг келажак ва жорий давр учун ишлаб чиқилган дастурларимизда белгилаб олинган тадбирларни қатъий амалга ошира бориб, кўзланган мақсадларимизга эришишимизга ишонаман. Мен Халқ банки яқин келажакда жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган банк бўлади, деб бемалол айта оламан.

Суҳбатни «Ўзбекистон овози» махсус мухбири Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ олиб борди

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-61-34;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Алишер РЎЗИЕВ*, навбатчи *Соҳибжон САЛИМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004. Газета офсет усулида. А—2 форматда, 18.117 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳririят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0624

Босишга топшириш вакти — 22.00
Топширилди — 22.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Японлардан сабоқ олиб

SPORT

Халқаро футбол федерацияси Осиё мамлакатларида футболни ривожлантириш ва оммавийлигига эришиш йўлида қайғураркан, бу минтақада болалар футболига аҳамият бериш кераклигига эътиборни қаратмоқда. Бу борада Японияда амалга оширилаётган ишлар ибратли. Тонготар мамлакатда 70-йиллардан бери алоҳида дастур бўйича иш олиб борилмоқда ва ажойиб натижаларга эришилмоқда. Шу кунларда Осиё футбол конфедерацияси тавсияси билан Тошкентда ўтказилаётган семинар ҳам ана шундай хайрли ишга қаратилган. Япония футбол уюшмасида болалар футболи бўйича махсус вазифани адо этиб турган Ичуро Фужита мураббий ва мутахассисларимизга сабоқ бермоқда. Семинар 7 августга қадар давом этади. Кейин — 8-14 август кунлари Фарғонада, 15-21 август кунлари Самарқандда семинар ишлари давом эттирилади.

«Ўзкоопстрахфонд»

Суғурта Жамғармаси Республика Кенгашининг 1999 йил 1 январь ҳолатига БАЛАНСИ

(минг сўмда)

Актив		Пассив	
Асосий воситалар	5082	Устав капитали	11485
Шўъба корхоналарига берилган қарзлар	3303	Тақсимланмаган фойда	264
Узоқ муддатли инвестициялар	24	Мақсадли тушум ва фондлар	18264
Ишлаб чиқариш заҳиралари	1368	Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар	29
Келгуси давр сарфлари	252	Узоқ муддатли қарзлар	920
Пул маблағлари	2587	Қисқа муддатли қарзлар	720
Қисқа муддатли қўйилмалар	21223	Мол етказиб берувчилар	240
Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашиш	26	Иш ҳақи бўйича қарзлар	218
Бюджет билан ҳисоблашиш	123	Бюджет бўйича қарзлар	1139
Шўъба корхоналари билан ҳисоблашиш		Ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар	207
Ходимлар билан ҳисоблашишлар	16	Мулкий ва шахсий суғурталар бўйича қарзлар	517
Бошқа дебиторлар	236	Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар	78
Баланс	34240	Бошқа кредиторлар	159
		БАЛАНС	34240

Балансниг тўғрилиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг № 262 рухсатномасига эга бўлган «Б-Аудиткооп» аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган.

Муҳтарам фуқаролар!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки Бошқаруви Халқ банки томонидан муомалага чиқарилган «Омадли инсон» лаҳзали пул-буюм ютуқли лотереяси сотиб тугалланганлиги муносабати билан ютуқли лотерея билетларини тўловга қабул қилиш муддати лотереянинг «Шарт ва қоидалари»га асосан 1999 йилнинг 5 декабригача белгиланганлигини маълум қилади. Ушбу муддат тугагандан сўнг ютуқли лотерея билетлари ўз кучини йўқотади ва тўловга қабул қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки Бошқаруви

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг қарорига асосан қуйидаги корхоналар:

1. «Олмос дурлари» ИТФ
2. Чиноз тумани «Доимий ҳаракатдаги улгуржи бозор»
3. «Аль-Кам и К» ИТФ
4. «Ким И К» ИТФ

банкрот деб эътироф этилган ва тугатиш ҳайъати тайинланган. Банкрот корхонани тугатиш ҳайъати қарздорлар ва манфаатдор ташкилотлар даъволарини ушбу эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида «Савдогарбанк» биноси (Тошкент шаҳри, Саид Барака кўчаси 78 уй, 1-хона) да қабул қилади.

Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани ҳудудида 1999 йил 20 июль куни «Боғот - пахта тозалаш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига тегишли бўлган ва таъминотчи Болтаев Комил номига берилган 1999 йил 11 июндаги 188-рақамли, 1999 йил 12 июлдаги 243, 244 ва 245-рақамли ишончли қоғозлари, шунингдек, «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмасидан «Боғот - пахта тозалаш» ОТХЖга 1999 йил 20 июлда берилган 20/425-рақамли юк олиш хатлари, Бухоро вилоят Механика устахонасидан берилган юк хати, «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмасидан «Хонқа - пахта тозалаш» ОТХЖга 1999 йил 2 чорак учун берилган таққослаш далолатномаси ва Республика «Қучлук» базасидан «Боғот - пахта тозалаш» ОТХЖга берилган таққослаш далолатномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Тонг юлдузи» газетаси жамоаси шу газетанинг бўлим бошлиғи **Маҳмуда ҲАЙДАРОВАнинг** фожиали вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, 133-38-55
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,